SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2006-yil • 4-fevral • Shanba • 15 (27.507) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

## «ФОТОН» ОАЖ ЭКСПОРТГА ЧИҚМОҚДА

Тошкентдаги мазкур очиқ акциядорлик жамияти жамоаси ўтган 2005 йилни катта муваффақиятлар билан якунлаб, жорий йилнинг илк кунларини янада самарали бошлашди.

Бу ерда асосан рангли телевизорлар, турли хил транзисторлар, назорат касса аппаратлари ва фото электрон станциялар (ФЭС) ҳамда электр лампалари ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг муайян қисми Россия ва Украина давлатларига экспорт ҳам қилинмоқда.

Минг нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхонада ўтган йили 1 миллиард 446 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бу йил мазкур кўрсаткич 2-2,5 баробар ортиши режалаштирилган. Жумладан, биргина «Фотон» телевизорлари ишлаб чиқариш 7000 донага етади.





*Суратларда: корхонанинг «Фотон» русумли телевизорлар ишлаб чиқариш цехидан кўриниш; устоз ва шогирд — Эшонхўжа Ҳамрохўжаев (чапда) ва Александр Тружников.*

**Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ ТЎҒРИСИДА

**Ватанимиз пойтахти — Тошкент шаҳридаги Мустақиллик майдони халқимиз озодлигининг, аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган ва мунтасил интилиб яшаган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимизнинг муқаддас рамзидир.**

**Кейинги йилларда Мустақиллик майдони ва унга туташ ҳудудда кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамаси биноси тубдан қайта таъмирланди, Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси каби муҳташам меъморий иншоотлар, яшил майдон ва хиёбонлар барпо этилди. Айни вақтда янги Маъмурий бино, Бизнес маркази қурилиши ниҳоясига етмоқда.**

**Бундай катта бунёдкорлик ишлари туфайли бугунги кунда бу масканнинг нафақат қиёфаси ўзгаргани, балки унинг бутунлай янгича маъно-мазмун касб этганини таъкидлаш лозим.**

**Мустақиллик майдонининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган муҳим ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини янада чуқуррок сингдириш мақсадида:**

1. Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Бадиий академияси ва кенг жамоатчиликнинг Мустақиллик майдонида бунёд этилган, ўзида Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она сиймосини мужассам этган янги монументга Мустақиллик ва эзгулик монументи деб ном бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг умумхалқ байрамлари ҳамда давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш расмий маросими жорий этилсин.

3. Ўзбекистонга ташриф буюрадиган чет эл давлатлари раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, хорижий делегациялар вакиллари ва бошқа расмий меҳмонларнинг давлат протоколига киритилган ҳолатларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш маросимининг тартиби тасдиқлансин.

4. Мустақил тараққиётимиз, миллий қадриятларимиз билан боғлиқ муҳим саналар, касб байрамларини нишонлаш, тантана ва анжуманлар ўтказиш муносабати билан Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулчамбар қўйиш расмий маросими, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан келишилган ҳолда, белгиланган тартибда амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (А.Тўхтаев) «Ўзбектуризм» миллий компанияси (Р.Қурбонов) билан биргаликда, пойтахт аҳолиси ва меҳмонларининг, сайёҳлик гуруҳларининг Мустақиллик майдони, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира хиёбонини зиёрат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов) мамлакатимиз аҳолиси ва чет эллик меҳмонлар учун «Мустақиллик майдони» деб номланган рангли-безакли откритка ва буклетларни нашр этсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва республика оммавий ахборот воситаларига Мустақиллик майдонида амалга оширилган ишлар, бу ерда ўтказиладиган тадбирларни мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 3 февраль

## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

### 2006 йил 3 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисини 2006 йил 24 февраль куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат мажлиси муҳокамасига Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қанча қонунларни, хусусан «Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Истеъмол кредити тўғрисида»ги, «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Тадбиркорлик субъектларини текширишлар сони қисқартирилганлиги ҳамда текширишлар тизими такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турлари қисқартирилганлиги ҳамда соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида»ги, «ГУУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги Конвенцияни денонсация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритиш режалаштирилмоқда.

Бўлажак ялпи мажлисда Сенатнинг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот тингланади ҳамда Сенат Кенгаши, қўмиталари ва комиссиялари иши таъсирчанлигини кучайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги масала кўриб чиқилади.

Шу билан бирга сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиш киритиш, Ўзбекистон Республикасининг бир қатор давлатлардаги дипломатик вакилларини вазифасидан озод қилиш ва вазифасига тайинлаш масалаларини, шунингдек Олий Мажлис Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа масалаларни киритиш мўлжалланмоқда.

Кенгаш парламент юқори палатаси қўмиталарининг бешинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишларини мувофиқлаштириб боришни Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати**

Таълим ва ислоҳот

## МАМЛАКАТ. МАКТАБ. МУАЛЛИМ



Миллат тарбиячиси бўлган ўқитувчи ва мураббийларнинг масъулиятли меҳнатини қадрлаш ва уларга доимий равишда ғамхўрлик кўрсатиш ҳамиша мамлакатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Хусусан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури»нинг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилиниши соҳада олиб борилаётган ислоҳотларни муҳим босқичга кўтарди. Шу билан бирга ушбу муҳим ҳужжатларнинг жойлардаги ижроси юртимизнинг энг чекка ҳудудидаги мактабларга ҳам кириб боришига эришиш, соҳага оид ислоҳотлар самарадорлигини ошириш барчамизнинг муҳим вазифамиз ҳисобланади.

Куни кеча Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбати бевосита ана шу масалаларга бағишланди. «Халқ таълимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид бажарилган ишлар кўлами ва келгуси вазифалар» мавзуига бағишланган мазкур тадбирда республика Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон ХДП Марказий ҳамда минтақавий кенгашлари раҳбарлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси аъзолари, олим ва мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Давра суҳбатида бир неча муҳим масалалар юзасидан халқ таълими вазири Т.Жўраев, вазирнинг биринчи ўринбосари Р.Аҳлиддинов, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Л.Ғуломов, Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси раиси А.Рустамов ва бошқаларнинг маърузалари тингланди. Сўнгра қизғин баҳс-мунозаралар, савол-жавоблар бўлиб ўтди.

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ**
**Шавкат АКРАМОВ олган сурат**

**Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида «Саховатлилик ўзбек халқининг олижаноблик ва инсонийлик фазилатидир» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, тадбиркор ва ишбилармон доиралар вакиллари, шифокорлар ҳамда бошқа мутасаддилар иштирок этди.**

## ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Дастлаб мазкур қўмита раиси ўринбосари маърузаси тингланди.

Дарҳақиқат, ҳомийлик — халқимизнинг азалий қадрияти бўлиб, бу хислат миллатимиз қон-қонига, вужудига сингиб кетган. Жумладан Амир Темур бобомиз кўплаб масжид-мадрасалар, ҳаммом ва йўллар қурдирган, ҳазрат Алишер Навоий эса илм-фан, маданият ва маънавиятни ривожлантиришга, бева-бечораларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга тенгсиз ҳомийлик кўрсатган, XX аср бошида ҳам маърифатпарварларимиз ўзларининг ҳисобидан миллат ёшлари учун мактаблар очиб, дарсликлар билан таъминлаган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Миллатимизга хос бўлган бу хусусият бугун ҳам юртдошларимиз томонидан давом эттирилмоқда. Саховатпеша, ҳиммати баланд кишиларимиз миллат таълим-тарбияси ва саломатлиги учун ўз маблағларидан боғча-мактаблар, шифохоналар қурмоқда ёки қўлидан келганча ёрдам кўрсатмоқда.

Давра суҳбатида ҳомийлик қўлини чўзишда халқимизга хос анъаналардан узоқлашмасдан берилаётган ёрдамни таъма қилмаслик, олинаётган кўмакни камситмаслик ҳамда моддий ва маънавий ҳомийлик беғараз, таънадан холи бўлиши таъкидланди. Шунинг билан бирга кам таъминланган ва ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар, ногиронларни аниқлаш, Ватан ҳимояси йўлида қурбон бўлганлар оилаларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, инсон дардига малҳам берувчи шифокорлар меҳнатини улуғлаш, улар учун етарли шарт-шароит яратиш тизимини ишлаб чиқиш, бунда ҳомийларнинг ўрнини аниқлаш, мақомини белгилаш, ҳомийликни мақсадли йўналтириш масалалари муҳокама этилди.

Иштирокчилар томонидан бундай савобли ишларни амалга ошириш учун ҳомийлик жараёнининг қонуний асослари ва кафолатларини яратиш, шу маънода ҳомийликни тартибга солувчи мукаммал қонун ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлиги, унда эса ҳомийларнинг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва бурчлари, уларга бериладиган имтиёзлар бегиланиши лозимлиги таъкидланди.

Давра суҳбати иштирокчилари бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

## МАХСУМА — СОҲА «МАЛИКАСИ»

**БУХОРО (ЎзА мухбири Э.Ёдгоров).** Вилоят ички ишлар идораларида 60 нафардан зиёд хотин-қиз меҳнат қилади. Улар ўз вазифасини сидқидилдан бажариш билан бирга оила ишларига ҳам улгуришади. Тизим аёллари ўртасида ўтказилган «Соҳа маликаси» вилоят кўрик-танловида айни жиҳатлар эътиборга олинди.

Тадбир шартларига кўра ходимларнинг маънавий етуклиги, миллий истиқлол ғояларига оид билими, ахборот технологиялардан нечоғли хабардорлиги, ҳуқуқий маданияти, касбий маҳоратига баҳо берилди. Шунингдек, уларнинг оила, фарзанд тарбияси, соғлом турмуш тарзи ҳақидаги қарашлари, меҳмон кутиш, дастурхон тузаш, пазандалик маҳорати, адабиёт ва санъатга меҳри кўрикдан ўтди.

Танловда вилоят ички ишлар бошқармаси ахборот маркази инспектори, сержант Махсума Адизова «Соҳа маликаси» деб топилди. У рангли телевизор билан мукофотланди.

Танловнинг яна икки совриндори — ёнғин хавфсизлиги бошқармаси вакили, кичик сержант Меҳринисо Мирзаева ва 3-тергов ҳибсхонаси назоратчиси Меҳринисо Изомова ҳам қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

## ҚИЗИЛ ДЕНГИЗДАГИ ФАЛОКАТ



«Newsru.com» сайтининг маълумотига кўра, «Al-Salam Boccaccio — 98» деб номланган кема бортидаги 1414 нафар йўловчи билан Қизил денгизда фалокатга учраган. Аниқланишича, кема Мисрнинг Хургада портидан 70 километр узоқликда ҳалокат содир бўлган.

Тезлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўттиз нафарга яқин одамнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Мисрнинг соҳил қутқарув хизмати томонидан ўнлаб жасадлар сувдан олиб чиқилди. Қизил денгиз чуқурлиги 2811 метргача бўлиб, у жаҳон океанининг илиқ ва энг шўр денгизи ҳисобланади. Кеманинг қолган йўловчилари тақдири ҳозирча ноаниқ.

Об-ҳавонинг анча ноқулай бўлишига қарамай, Миср ва Саудия Арабистони кема ва вертолётлари қидирув ишларини давом эттирмоқда. Кеманинг ҳалокатга учраш сабаблари аниқланмоқда.

Хабарларга кўра, кема бортида асосан Миср, Саудия Арабистони ва Судан фуқаролари бўлган. Уларнинг асосий қисми ҳаж сафаридан қайтаётган зиёратчилар эди.

Маданият

## МОСКВА МУСИҚИЙ АКАДЕМИК ТЕАТРИ

**Шу йилнинг 16-26 февраль кунлари К.Станиславский ва В.Немирович-Данченко номидаги Москва мусиқий академик театрининг балет гуруҳи Тошкентда илк маротаба гастроль сафарида бўлишади. Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида рус актёрларининг «Оққуш кўли», «Дон Кихот», «Жизель» ва «Щелкунчик» спектакллари ўзбек томошабинларига тақдим этилади.**

Шу муносабат билан яқинда Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Ўзбекистонга биринчи маротаба келишим, — дейди Москва мусиқий академик театри матбуот котиби Дмитрий Абаулин. — Тошкентга юзга яқин ходимимиз келмоқда. Репертуардаги асарларимиз кўпгина чет давлатларда намойиш этилган ва катта олқишларга сазовор бўлган.

Улардан П.Чайковскийнинг «Оққуш кўли» спектакли 1953 йил 25 апрелда, Л.Минкуснинг «Дон Кихот»и 1981 йил 17 июлда, А.Аданнинг «Жизель»и 1991 йил 23 мартда, П.Чайковскийнинг «Щелкунчик»и 1995 йил 25 мартда биринчи маротаба томошабинларга тақдим этилган.

Энди мазкур театрнинг тарихига назар ташласак. Москва мусиқий академик театри иккита опера театрининг бирлашиши натижасида вужудга келган. 1939 йилда эса Викторина Кригернинг балет гуруҳи театр таркибига кирди. Ушбу маданият масканида Леонид Баратов, Лев Михайлов каби дунёга машҳур режиссёрлар, Владимир Бурмейстер сингари хореографлар фаолият кўрсатишган.

Бугунги кунда опера гуруҳини Россия халқ артисти Александр Титель бошқармоқда. Театрнинг балет гуруҳи биргина 2005 йилнинг ўзида Хитой ва Таиландда гастролда бўлган.

**Маъмуржон МАҲМУД**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

**ДИҚҚАТ, янги рукн:**

## КАСАНАЧИЛИК — МУЛКИЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

*Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигини таъминлаш борасида улкан имкониятлар эшигини очиб берди. Ишни айнан шу усулда ташкил этиш — ёшлар, айниқса, хотин-қизларни уйда иш билан таъминлашнинг энг самарали йўлидир.*

*Шу муносабат билан газетамиз бугундан бошлаб, касаначилик ҳақида мунтазам мақолалар, суҳбатлар бериб бориш ниятида* **«КАСАНАЧИЛИК — МУЛКИЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ»** *номли янги рукн ташкил қилди.*

# МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИМКОНИЯТЛАР

### ИСЛОҲОТ ЖАРАЁНЛАРИДА ТОБОРА КЕНГ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

### БАНДЛИКНИНГ МАҚБУЛ ЙЎЛИ

— Ҳозир биз касаначилик деб номлаётган меҳнат тури билан аслида аждодларимиз азал-азалдан шуғулланиб келишган, — дейди **Балиқчи туманидаги «Хўжаобод» масъулияти чекланган жамият раиси ўринбосари Жамолиддин АБДУЛЛАЕВ,** — Улар косибчилик, тикувчилик, тўқувчилик, наққошлик, мисгарлик, сандиқсозлик, атторлик, дурадгорлик, этикдўзлик сингари ҳунарлари билан тирикчилик қилишган. Бу билан улар фарзандлари, невералари, эвараларини ҳам ёнларига олиб, уларни ҳунарли, касбкорли бўлишга, нонини меҳнат билан топишга ўргатишган.

Ҳозир ҳам ўйлаб қарасангиз, касаначилик билан саноат корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантиришдан кўзланган мақсад замирида мана шу ният мужассамлашган. Яъни, меҳнатнинг бу тури — аҳоли ўртасида ўзига хос бандликни вужудга келтириб, ишсизликка барҳам бериш ва барқарор даромад олиш йўлларини очади... Бу эса фармонда ҳам айни шу нуқтаи назардан тушунарли ва лўнда қилиб ёзиб қўйилган: корхона билан касаначи ўртасидаги кооперация алоқасининг ривожи — **биринчидан,** оила бюджети даромади муаммосини ҳал этади, **иккинчидан,** иш билан банд бўлмаган муайян тоифалардаги аҳоли сонини камайтиради, **учинчидан,** касаначига меҳнат дафтарчаси очилиб, корхона билан унинг алоқаси даври иш стажига киради. Демак, у келгусида пенсия ва ижтимоий суғурта нафақалари олади. Ўзига ҳам фойда, корхонага ҳам...

Асосан спорт буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган жамиятимизда ўтган йили 224 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Бунда, шу пайтга қадар биз билан шартнома асосида ишлаб келган 30 нафар касаначиларимиз ҳиссаси ҳам бор, албатта. Бу йил яна янгидан 7 хил маҳсулот ишлаб чиқаришга киришдик. Уларни тайёрлашда ҳам шубҳасиз, касаначиларимиз фаол қатнашади. Қолаверса, иқтисодий имкониятларимиздан келиб чиқиб, улар сонини янада кўпайтириш тадбирларини кўраяпмиз.

Мутасаддиларнинг таъкидлашларича, шу йўл билан 2006 йилда вилоят бўйича янгидан 4 минг иш ўринлари очилиши кўзда тутилган...

**Кароматхон УСМОНОВА, корхона касаначиси:**

— Анча йиллардан буён касаначиман. Спортчилар учун кўрпача (матрас)лар, қўлқоплар, майкалар, футболкалар тикаман. Корхона материал, хомашё ва ускуналар ҳамда уларнинг андоза (фасон)ларини беради, тикиш технологиясига оид стандартлар билан таништиради, тайёр маҳсулотни эса ўзлари келиб олиб кетишади. Мен уйда — ҳам рўзғор юмушларини бажараман, ҳам фарзандлар тарбияси билан шуғулланаман, ҳам уларга ҳунар ўргатаман...

Оилавий бюджет (даромад)имиз — нақд, меҳнат дафтарчам — бор, иш стажим — ҳисобда, кексайганда пенсия беришади, суғурта оламан... яна нима керак?!

Барака топсин, корхонадагилар ҳам ёрдамларини аяшмаяпти. Меҳнатга қобилияти бўлатуриб, уйда ўтириб қолаётган бизга ўхшаган одамлар тоифасига шунчалар эътибор берилмоқда.

— Опанинг мана шу гапига қўшимча қилиб айтай, — суҳбатга қўшилди яна **жамият раиси ўринбосари,** — касаначиларимиз тоифасига кирган ва янгидан кираётган фуқаролар ўртасида ЎзХДП аъзолари ҳам бор. Чунки, айнан **ЎзХДП аҳолининг бу тоифасига кирувчи қатламининг тўлақонли ишлаб чиқариш бандлиги масаласини, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кўтариб чиқди. Ўзининг асосий электоратларидан бўлган бу тоифанинг ҳозиргача муҳим иқтисодий секторларда ишлаш имконига эга эмаслигини ҳам дадил айта олди.** Масалан, айниқса, ногиронлар учун касаначилик иш билан бандликнинг энг яхши йўли, деб биламан... Шунингдек, бу тоифага кирувчи кўп болали хотин-қизлар учун ҳам — касаначилик энг самарали меҳнат усули...

Шунинг учун ҳам, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар ичида ЎзХДП Марказий Кенгашининг Ижроия қўмитаси Фармон эълон қилиниши билан биринчи бўлиб, корхоналар билан касаначилар ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилди, тегишли тадбирлар ишлаб чиқди...

### КАШТАДЎЗЛАР СУЛОЛАСИ

— ...Момом, онам ва опаларим чевар каштадўз бўлишган, — ҳикоя қилди **шўрчилик касаначи Иқлимой ТОШБОЕВА.** — Мен ҳам улар изидан бордим. Қизларим эса менинг изимдан...

Уч-тўрт йил илгари қишлоғимиз қизларидан ҳам икки-уч нафарини ёнимга олиб, тикиш-бичиш сирларини ўргата бошладим. Олдин-олдин шунчаки ҳавасга, кейин тўй-томошаларга: «Чаноқ», «Чамалак», «Ханжар қин», «Қособа дўппи», «Бахши қалпоқ» сингари каштали буюмлар ва бош кийимлари тикишга киришдик...

Маҳсулотларимиз турига тур қўшилиб, буюртмалар ола бошладик. Бошида кичик-кичик ташкилотлар, сўнгра туман маданият уйи жамоаси, Термиз давлат университети ҳаваскорлик тўгараги аъзолари ва Тошкент, Қарши шаҳарларидан келган айрим санъаткорлар мижозларимизга айланди. Шу йўл билан ўтган йили 2 миллион сўмлик соф даромад қилдик. Ҳатто банкда ўз ҳисоб рақамимизни ҳам очдик...

Бизни фақат баъзи муаммолар: хомашё, ускуна, бўёқ, материал ва жой масаласи бироз қийнаб келарди. Касаначилик ва касаначилар ҳақидаги фармон бу муаммоларга энди чек қўяди. Биз корхоналар билан шартнома тузсак бўлгани, у ёғи ўзимизга боғлиқ. Хомашё, материал, ускуна, жиҳоз — ҳаммасини ўзлари беришаркан. Буюртмани улар айтгандай (технологияга тўла амал қилган ҳолда) бажарсак, сертификат ҳам талаб қилинмас экан. Сифатини стандартга мос тикиш масъулияти — бизда, маҳсулотимизни сотиш масъулияти эса уларда...

Яна қулайликлари: касаначилик меҳнати бажарилаётган турар-жойлар энди яшаш учун мўлжалланмаган жойлар тоифасига ўтказилиши талаб этилмайди. Корхона ўз буюртмасининг ижроси учун асбоб-ускуна ва жиҳозларни касаначига текинга, ижарага бераркан, улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этиларкан.

...Ва қарангки, ҳатто ортиқча текширувлар ҳам бўлмайди. Фармонда — қачонки, назоратчи органлар буюртмачи корхона фаолиятини (қонунчиликда белгиланган тартибда) текширгандагина касаначилик фаолияти ҳам текширилиши мумкин, дейилган. Бу — бизни бўлар-бўлмас «тафтиш»лардек бош «оғриқ»ларидан халос этади... Бунинг устига касаначи маҳсулоти корхонага улгуржи савдо ҳисобланмайди.

Бундай қулайликлар касаначи бўлиш истагида юрган кимга ёқмайди, дейсиз?!

**БИЗНИНГ ИЗОҲ:** Суҳбатдошларимиз тилига кўчган дил сўзлари хулосаси шуки, касаначилик — меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлиги ва оила бюджети барқарор даромадини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш йўлида **мулкий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий меҳнат муҳофазаси**гагина эмас, балки, — мамлакатимизда шиддат билан кетаётган бозор иқтисодиёти жараёнларида тобора кенг ва кенгроқ намоён бўлаётган молиявий-иқтисодий имкониятларимиз истиқболидир.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

---

**ЎзХДП ҳаёти**

# ЯНГИ ДАСТУР ТАРҒИБОТИ

**Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ва Яккасарой туман кенгашлари томонидан ташкил этилган семинар аҳоли орасида партия Дастурини тарғибот-ташвиқот қилишнинг самарали усул ва услублари мавзуига бағишланди. Унда ЎзХДПнинг Тошкент шаҳридаги барча туман кенгашлари раҳбар ва ходимлари, партия фаоллари, хайрихоҳлари иштирок этдилар.**



Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2005 йил 2 июнда қабул қилинган янги Дастури мутахассислар, жамоатчилик томонидан юқори баҳоланмоқда. Унда кўрсатилган вазифалар аниқлиги, муаммолар ечимига ёндошувнинг реаллиги, ижтимоий ҳаётимиз, кундалик турмуш тарзимиз ва стратегик мақсадларимиздан келиб чиқилганлиги кўпчилик томонидан эътироф этилмоқда. Айниқса, биринчи бор ЎзХДПнинг электорати кимлар эканлиги, у кимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, кимлар учун жон куйдириши бу Дастурда аниқ белгилаб олинганлиги партия учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

Аммо, бугун яна бир масала пайдо бўлаяптики, партиянинг бу саъй-ҳаракатларини айрим жойларда аҳоли тўлиқ англаб ололмаяпти. Бу ўз ўзидан партия маҳаллий кенгашлари, бошланғич ташкилотларидан Дастур тарғиботида янгича самарали воситалардан фойдаланиб фаолиятни янада жонлантиришни талаб этмоқда.

Бундай усуллар ва ташвиқот ишларини ташкил этишнинг асосий принциплари ҳақида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фарида Абдураҳимова, Яккасарой тумани ҳокими Валижон Муллажонов, «Педагогика таълими» журнали бош муҳаррири, профессор Баҳром Қодиров, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази бўлим бошлиғи, тарих фанлари доктори Абдуғаффор Қирғизбоев, «Инновация-плюс» МЧЖ раҳбари Яков Яичников, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Яккасарой туман бўлими раҳбари Рўзи Турсуналиев ва бошқалар алоҳида тўхталиб ўтдилар. Олдинда турган долзарб вазифалар хусусида мулоҳаза билдирдилар.

Ўзаро мунозара ва савол-жавоблар асосида ўтган семинарда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимқул Каримов иштирок этди ва маъруза қилди.

**Беҳзод ШУКУРОВ**

***Суратларда:*** *тадбирдан лавҳалар.*
**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**





---

**Банк ва мижоз**

# ХАЛҚ БАНКИ — ОИЛАНГИЗ БАНКИ

**Халқ банки республикамизнинг энг йирик ва универсал банкларидан биридир. Буни мижозларга яратилган қулай шарт-шароитлар, банк хизмати турлари савияси ошаётганлиги ҳамда аҳолининг банкка бўлган ишончи ортаётганлигидан ҳам кўрсак бўлади.**

Ўтган йили банк фаолиятида бир қатор ютуқларга эришилди. Хусусан, банк активлари 51,0 миллиард сўмга, унинг ресурс базаси 52,0 миллиард сўмга, кредит портфели юридик ва жисмоний шахсларга ажратилган микрокредитлар эвазига 10,0 миллиард сўмга ортишига эришилди. Натижада 8 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи корхоналар, хусусий тадбиркорлар ва кичик бизнес субъектлари банк муассасаларида ўз ҳисоб рақамларини очишга эришди.

Нақд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ва жамғарма ишларини янада ривожлантириш мақсадида йил давомида аҳоли учун ҳар томонлама манфаатли бўлган 7 та янги омонат тури жорий этилди. Унга 20,0 миллиард сўмга яқин аҳоли бўш пул маблағлари жалб қилинди. Мижозлар ҳисоб варақларидаги маблағлар эса уларнинг биринчи талаби бўйича берилиши таъминланди. Ҳозир банк муассасаларидаги аҳоли омонатлари қолдиғи 50,4 миллиард сўмдан ортиқ миқдорни ташкил этаётганлиги ҳам фикримиз исботи.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнида ҳукуматимиз томонидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга ажратилаётган маблағлар миқдори ортиб бориши банк зиммасига катта масъулият юкламоқда. Ўтган йил бошида банк муассасалари томонидан 1 ойда 15,0 миллиард сўм миқдоридаги ижтимоий тўловлар тарқатилиши таъминланган бўлса, ушбу кўрсаткич декабрь ойига келиб, 24 миллиард сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда банк муассасалари томонидан ҳар ойда ўртача 23,0 миллиард сўмдан ёки бир йилда 270,0 миллиард сўмдан ортиқ биринчи даражали тўловлар (нафақа, ёрдам пуллари, пенсия ва иш ҳақи) ўз вақтида нақд пул билан (ойма-ой таъминлаб) берилишига эришилди.

Айниқса, Президентимизнинг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисоб варақларидан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда мижозларнинг депозит ҳисоб варақларидан маблағлар уларнинг биринчи талаби бўйича берилишига янада масъулият билан қаралмоқда. Қолаверса, барча ижтимоий тўловларнинг эгаларига ўз вақтида берилиши ва бошқа мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилиши банкка нақд пуллар тушумини кўпайтириш ҳисобига эришилди. Хусусан, ўтган йилнинг ноябрь, декабрь ойига келиб банк кассаларига жалб қилинган бундай пуллар миқдори ойига ўртача 60 миллиард сўмни ташкил қилган. Бу — йил бошига нисбатан 35 миллиард сўмга кўп демакдир.

Дарвоқе, ютуқлар ўз-ўзидан келмади. Бошқарув раҳбарияти томонидан зарурий тадбирларни амалга оширилиши, мижозларга, айниқса, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратилиши ҳисобига нақд пул муомаласини амалга оширувчи 2 мингдан ортиқ савдо ташкилотлари жойлардаги банк муассасаларига жалб этилди. Ўз навбатида бу пулнинг салмоқли улуши биринчи даражали тўловлар берилишига йўналтирилди.

Мижозлар ишончини оширишга қаратилган мақсадли тадбирлар жорий йил бошидан янада жадаллашди. Чунончи, нақд пул тушумини кўпайтириш, миллий валютамиз барқарорлигини таъминлаш ва мижозлар учун манфаатли омонат турларини жорий этиш асосий вазифалардан қилиб қўйилди. Натижада «Депозит сиёсати» талабларидан келиб чиқиб, банк жорий йилнинг бошиданоқ навбатдаги янги «Матонат», «Маҳалла фидойилари» ва «Баҳор» омонат турларини амалиётга татбиқ этди. Хусусан, банкнинг юқори фоизли «Матонат» омонат тури иккинчи жаҳон уруши фахрийларини моддий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Янги жорий этилган «Маҳалла фидойилари» омонат тури эса Халқ банки ва «Маҳалла» ўртасидаги азалий ҳамкорликни давом эттиришга йўналтирилган. Ўз навбатида юқори фоизли ушбу омонат фоизлари ҳисобига кам таъминланган оилаларнинг коммунал тўловлардан бўлган қарздорликларини қисқартириш мақсади ҳам кўзланган.

Банк омонатчиларининг талаб ва таклифлари ҳамда уларнинг банк ютуқли омонатларига бўлган қизиқишлари инобатга олинмоқда. Айни кезда «Баҳор» ютуқли омонатига ҳам аҳоли бўш пул маблағлари қабул қилинаяпти. Энди, омонатчилар нафақат фоиз даромадларини олиш балки 1 000 000 сўмгача ютуқ соҳиби бўлиш имконига ҳам эгалар. Бир сўз билан айтганда, Халқ банки жамоаси амалга ошираётган саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, чинакам оила банкига айланмоқда.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ** t

---


**Ташкилот ва корхоналар диққатига!**

## Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси танлов савдолари ўтказилишини эълон қилади:

**ЯНГИ ҚУРИЛАДИГАН:**

1. *Бандихон тумани, «Пахтакор» ширкат хўжалиги, «Киршак» қишлоғидаги 540 ўринли Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.*

2. *Денов тумани, «Ихтиёр» маҳалласидаги 540 ўринли Қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.*

3. *Шўрчи шаҳридаги 540 ўринли Уй-жой-коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.*

4. *Қизириқ тумани, «Гиламбоб» ширкат хўжалигидаги 540 ўринли Маиший хизмат касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.*

5. *Олтинсой тумани, «Олтинсой» ширкат хўжалигидаги 540 ўринли Маиший хизмат касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.*

6. *Сариосиё тумани, «Тортувли» қишлоғидаги 720 ўринли Маиший хизмат касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.*

7. *Қумқўрғон тумани, «Оққопчиғай» ширкат хўжалигидаги 540 ўринли Маиший хизмат касб-ҳунар коллежини фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш.*

**КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ:**

1. *Термиз шаҳридаги 720/50 ўринли Озиқ-овқат саноат касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш.*

2. *Шеробод шаҳридаги 720/50 ўринли Маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш.*

*Иншоотнинг қурилиш ишлари Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

**Буюртмачи: Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.**

***Манзили: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел.: 2-49-71.***

*Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Ўзбекистон Республикаси «Даварxитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:*

***Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.***

***Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.***

*Таклифлар (офертала) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

*Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.*

**Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй.**

**Қонун ва ижро**

# ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — БЕҚИЁС БОЙЛИГИМИЗ

Кўп миллатли Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик муҳити бизнинг беқиёс бойлигимиз, куч-қудратимиздир. Бу бойликни асраш, қўриқлаш энг муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади. Мамлакат тинчлиги, хавфсизлиги эса Қуролли Кучлар мудофаа қобилиятига боғлиқ.

Дунёдаги ҳозирги кескин вазият, Ўзбекистонни ўз танлаган йўлидан қайтариш, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини издан чиқаришни мақсад қилиб олган мудҳиш кучлар мавжудлиги биздан доим огоҳ ва ҳушёр бўлишни, мамлакат мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Мустақиллик йиллари Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш, мамлакатимизни ташқи таҳдидлардан ишончли ҳимоя қила оладиган армияни тузишга қаратилган, ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ масалаларни тартибга солувчи қатор қонунлар яратилди. Мазкур қонунлар ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг диққат марказида турибди. 2005 йилда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикасида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг, Бухоро вилоятида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуннинг, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида «Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонуннинг ва Жиззах вилоятида «Мудофаа тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси бўйича амалга оширилган ишларни ўрганиб, таҳлил этиб чиқди.

Назорат-таҳлил шуни кўрсатдики, жойларда, масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Сурхондарё, Тошкент ва Жиззах вилоят ҳокимликлари томонидан тегишли Қонуннинг бажарилиши юзасидан йиллик режалар тузилиб, таҳлиллар ўтказилган, мавжуд муаммолар муҳокама қилиниб, келгуси режалар белгилаб олинган.

Назорат-таҳлил фаолияти давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятида ўсмирларни чақирувга қадар тайёргарликдан ўтказиш, чақирилувчиларни ҳарбий-техника ихтисосликлари бўйича ва жисмоний жиҳатдан тайёрлаш, уларнинг умумий таълим савиясини ошириш ҳамда уларда ҳарбий ўқув юртларига кириш иштиёқини кучайтириш, ёшлар ўртасида даволаш-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ ишлар талаб даражасида амалга оширилаётганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги ҳамда «Мудофаа тўғрисида»ги Қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳоли қатламлари ва энг аввало ёшлар орасида кенг тарғиб этиш борасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Жиззах вилоятлари жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар эътиборга лойиқ.

Бугунги кунда бутун инсоният ҳаётига таҳдид солаётган энг катта хавфлардан бири террористик ҳаракатлардир. Терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш мақсадида 2000 йил 15 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунда терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари ва террорчилик фаолиятининг олдини олиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунининг Бухоро вилоятидаги ижроси ўрганилганда, Бухоро вилоят МХХБ ходимларининг, Божхона бошқармаси ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг ишлари эътиборга лойиқ экани аниқланди.

Қонуннинг ижроси бўйича мутасадди идоралар қатор ишларни амалга оширган. Хусусан, терроризмнинг келиб чиқишига замин яратувчи ақидапарастлик ва экстремизм каби офатларнинг олдини олишга қаратилган аниқ тадбирлар ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Шу пайтгача турли мавзуларда 400 дан ортиқ умумий профилактик тадбирлар ўтказилган. Республика ҳудудига кириш қоидаларини бузган фуқаролар аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилиб, ҳудуддан чиқариб юборилган. 2005 йилда «Олот-5» божхона пости орқали Саудия Арабистонига Қирғизистоннинг қалбаки паспортлари билан бориб келаётган Ўзбекистон фуқаролари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилган.

Бухоро вилоятида террорчилик фаолиятнинг олдини олиш, аниқлаш ва унга чек қўйиш бўйича амалга оширилган тадбирлар давомида вилоят ҳудудида номаълум сабабларга кўра яшаш манзилидан узоқ муддатга чиқиб кетган, яшаш манзили ноаниқ бўлган шахслар аниқланган. Уларнинг маълум қисми мамлакатимизга қайтарилган ва белгиланган тартибда огоҳлантирилган ҳамда назоратга олинган.

Вилоятда мавжуд бўлган божхона постлари орқали диний мазмундаги таъқиқланган адабиётларни ноқонуний равишда транзит йўли билан олиб ўтилишининг 25 та ҳолати аниқланиб қонуний чоралар кўрилган.

2005 йилда режага асосан, Парламентнинг ишчи гуруҳи Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунининг ижроси бўйича назорат-таҳлил фаолиятини ўтказди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи назорат-таҳлил фаолияти давомида Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида давлат чегарасини қўриқлаш учун яратилган шароитларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг чегара қўшинларига, шунингдек, давлат чегарасида назоратни амалга оширувчи давлат бошқарув органларига кўмаклашиши, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг давлат чегарасини ҳимоя қилишда ва қўриқлашдаги иштироки, давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни белгиланган тартибда ўтказишнинг аҳволи, бу борадаги мавжуд муаммолар, уларни ҳал қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирларни ўрганиб чиқди. Давлат чегарасидан контрабанда маҳсулотлари, гиёҳванд моддалар, курол-яроғ, антиконституциявий варақалар ва бошқа таъқиқланган моддаларнинг ўтишига йўл қўймаслик, ушбу ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш, белгиланган тартибда фуқаролар, транспорт воситалари, юклар ва ҳайвонларни чегарадан ўтказишда Божхона қўмитаси бўлинмалари билан ҳамкорликда қатор тадбирлар амалга оширилаётгани ва уларнинг самараси алоҳида қайд этилди.

Давлат чегарасини ҳимоя қилиш ва қўриқловчи ҳарбий қисмга қарашли бўлинмалар ва чегара постлари ҳарбий техник алоқа ва кузатув мосламалари, электрон техник жиҳозлар, кийим-кечак ва анжомлар билан тўлиқ таъминланган.

Сурхондарё вилояти Давлат чегарасини қўриқловчи ҳарбий қисмга қарашли бўлинмалар томонидан 2004 йилда Ўзбекистон Республикасидан ноқонуний равишда олиб чиқилаётган 30 миллион 782 минг сўмлик товар моддий бойликлар ушлаб қолинган бўлса, 2005 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида эса 33 миллион 336 минг 910 сўмлик товар-моддий бойликларнинг республикамиздан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилишининг олди олинган.

Тошкент вилояти Давлат чегарасини қўриқловчи ҳарбий қисмга қарашли бўлинмалар томонидан ҳам республикамиздан товар моддий бойликларнинг ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилишининг бир неча бор олди олиниб, ўтган йилнинг октябрь ойига қадар 773 миллион 500 минг сўмлик товар моддий бойликлар далилий ашё сифатида ушлаб қолинган.

Шунингдек, давлат чегараларидан қурол-яроғ, ўқ-дори ва гиёҳванд моддаларни олиб ўтишга уриниш ҳолатларига барҳам берилди.

Парламент ишчи гуруҳи хизмат сафари чоғида Сурхондарё ва Тошкент вилояти чегара зоналаридаги ҳарбий хизматчиларга яратилган шароитлар билан ҳам қизиқди. Ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитлари, озиқ-овқат таъминоти, хизматдан бўш пайтларини мазмунли ўтказишлари учун замон талабига мос шароитлар яратилгани қайд этилди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, давлат чегара зоналарига яқин жойларда яшайдиган аҳоли ҳам қонунлар ижросига катта ҳисса қўшмоқда. Кўнгилли чегарачилар 200 дан ортиқ ҳолатда давлат чегарасини бузиб ўтишга уринган шахсларни тўхтатиб қолгани фикримиз далилидир.

Ўтган йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасида юқоридаги қонунларнинг ижроси юзасидан вилоятларда ўтказилган назорат-таҳлил фаолиятининг натижалари кенг муҳокама қилинди. Тегишли вилоят вакиллари, ташкилот раҳбарларига тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир», деб қайд этилган. Мамлакатни ҳимоя қилиш дегани — бу тинч ва осойишта ҳаётимизни, меҳнаткаш халқимизни ҳимоя этиш демакдир. Бундай иш, бундай хизмат нафақат бурч, айни чоғда Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳар биримиз учун олий шарафдир.

**Ахтам ТУРСУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси**

**2006 йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»**

# ҲАР КИМ ЎЗИНИ ЎЗИ АСРАШИ КЕРАК

Бахтли бўлиш, соғ-саломат юриш, узоқ умр кўриш ҳар бир инсоннинг орзуси. Бунинг учун ўйлаб қадам ташлаш, ёмон одатлардан ўзини асраш, соғлом турмуш тарзи талаб этилади. Афсуски, баъзилар ўз айби билан ўз бошига ташвиш орттиради, тинчлиги йўқолиб, елиб-югуради. Бошқача айтганда, ёруғ кунлари қоронғуга айланади.

Мен мутахассис сифатида ҳаётдаги кузатишларим асосида таносил касалликлари ва бу дарднинг оқибатлари ҳақида баъзи мисолларни келтирмоқчиман.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, тери-таносил касалликларининг янги турлари пайдо бўляпти. Ҳозирги кунда бундай хасталикларнинг тури 28 хилдан ортяпти. Биздаги кўрсаткичлар қўшни давлатларга нисбатан анча паст, аммо бу билан биз хотиржам бўлолмаймиз. Чунки аҳоли, айниқса, ёшлар, туғиш ёшидаги аёллар орасида бу иллатлар қайд этиляпти. Институтимиз мутахассисларининг тиббий кўрик, илмий-текширишлардаги хулосасига кўра: 2004 йилда беморларнинг кўпчилиги ўз вақтида мутахассис шифокорга мурожаат этмаган, мақсадсиз даволаниш оқибатида уларнинг касалликлари оғирлашиб кетгани кузатилди. Тери-таносил касалликларини даволашда «касалликнинг ўчоғи»ни топиш муҳимдир. Айримлар ўз вақтида шифохонага мурожаат қилиш ўрнига уй шароитида даволовчи хусусий шифокорларга мурожаат қилишяпти.

Кейинги йилларда касаллик қишлоқ аҳолиси орасида кўпайиб бораётгани кузатилмоқда. 2004 йилда умумий беморларнинг 38,8 фоизини қишлоқ аҳолиси ташкил этган. Хоразм ва Тошкент шаҳрида ҳатто 2 нафар чақалоқ оғир касаллик билан туғилди, клиникамизда Тошкент вилоятидан келган 2 яшар гўдакка «туғма сифлис» ташхисини қўйишга мажбур бўлдик. Айниқса, пала-партиш турмуш тарзи, тасодифий «танишув»лар бу дардлар кўпайишига олиб келмоқда.

Махсус кимёвий текширишлар натижасига қараб, ҳатто ҳар бир беморнинг мижозига қараб, касалликнинг тури, формасига қараб алоҳида тиббий муолажа белгиланади. Бу касалликларни ҳеч қайси врач (кўчалардаги эълонлардагидек!) «100 фоиз кафолат»лаб, «6 кунда отдек» қилиб даволай олмайди. Уй шароитида хусусий шифокор беморга 5-6 кун антибиотик дори-дармонни «босиб санчиб», касалликнинг «устини» хаспўшлаб, беморнинг пулини шилиб жўнатаверади. Чунки 6-7 кунлик шундай даволашдан сўнг бемор ўзини бироз соғайгандай ҳис қилади, лекин сал ўтмай яна такрорланади, организмда оғир асоратлар қолдиради.

Бемор фақат махсус диспансерда, мутахассис назоратида, мақсадли, босқичма-босқич, малакали тиббий муолажа орқали бундай ўта юқумли хасталиклардан фориғ бўлади. Яна соғлом одамга айланади, ўзидан соппа-соғ зурриёд қолдиради, ота-она бўлиш бахтига муяссар бўлади.

— Одамзоднинг соғлом, мазмунли умр кечириши, шажарасининг софлиги кўп жиҳатдан унинг ўзига, ақл-идрокига, комил инсонлигига бориб тақалади. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш билан бирга одамлар онгида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилада жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини янада оммалаштириш, жисмонан бақувват ёш авлодни тарбиялашга шарт-шароитлар яратиш борасида кўплаб амалий юмушлар бажарилади.

Шифокор сифатида мен ҳомийликни одамлар орасидаги ўзаро биродарлик, бағрикенглик, покдомонлик тушунчалари билан йўғрилган ижтимоий ҳаракат деб тушунаман. Маълумки, тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллашган тизими жорий этилди, энди шифокорларга кўрсатаётган тиббий ёрдамининг ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб ҳақ тўланади. Ўрта ва кичик тиббий ходимлар иш ҳақи 1,3 бараварга ошди. Шифокор моддий манфаатдор бўлса, бемор, аҳоли бундан фақат фойда кўради. Негаки шифокор энди ўз устида тинмай изланади, малакасини оширишга интилади. Дунё тиббиётининг янги тажрибаларидан ўз вақтида хабардор бўлади.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»да ҳамюртларимизга айтадиган гапим шуки, ҳар инсон, аввало, ўзини ўзи асраши керак. Диёнат кўчасидан чиқмаган, тўғри юриб, ҳалол яшаганнинг саломатлиги жойида бўлади, умри шодлик билан ўтади.

**Комилжон ЙЎЛДОШЕВ,**
**Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли дерматология ва венерология институти бўлим бошлиғи, профессор**

# XORIJDA

**✓ НИДЕРЛАНДИЯ ҚИРОЛЛИГИ**

Нидерландия парламенти Афғонистондаги Голландия ҳарбий контингенти сонини оширишга қарор қилди. Парламент қарорига кўра, Афғонистонга яна 1400 нафар ҳарбий жўнатиладиган бўлди.

Амалдаги коалиция таркибига кирувчи партиялардан бири бунга қаршилик билдирганига қарамай, депутатлар ҳукуматнинг бу таклифига рози эканлигини билдиришди.

Қўшимча кучларни Афғонистонга жўнатиш масаласи кўриб чиқилаётганда депутатлар Голландия ҳарбийлари АҚШ қўмондонлиги остида ҳаракат қилмасликлари кафолатини сўрашди.

Қўшинларни жўнатишга қарши бўлганлар Голландия ҳарбийларининг собиқ Югославиядаги муваффақиятсизликларини эслатиб қўйишди. Айнан ўшанда қўшинлар Сребреница шаҳрида боснялик мусулмонларнинг оммавий ўлдирилишининг олдини ололмаган.

НАТО, АҚШ ва БМТ Голландия ҳукуматини Афғонистондаги контингенти сонини оширишга чақирганди. Айни пайтда мамлакатда 600га яқин голландиялик аскар бор. Улар НАТО қўшинлари таркибида хизмат қилади.

**✓ МАГАТЭ**



БМТнинг Атом энергияси бўйича агентлиги (МАГАТЭ) раҳбари Муҳаммад Барадей Эрон ядро дастури борасидаги зиддиятлар кучайиб бораётганини таъкидлади.

МАГАТЭнинг бошқарув кенгаши Венада БМТнинг Хавфсизлик Кенгашини Эрон ядро дастури ҳақида расман хабардор қилувчи резолюция масаласини кўриб чиқди. Бироқ ҳеч қандай қарорга келинмагач, муҳокамалар эртаси куни давом этди.

Эрон бу каби резолюция қабул қилинса, уранни бойитишга киришишини ва ядро объектларидаги БМТ инспекторлари фаолиятини тўхтатишини айтмоқда.

Дипломатларнинг фикрича, охир оқибатда резолюция қабул қилинади. Чунки Хавфсизлик Кенгаши аъзолари (Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франция)нинг душанба куни келишувлари бунга асос бўлади. Бироқ бу келишувда БМТ ХКни мазкур масаладан хабардор қилиши айтилган. Аввалроқ эса Эрон масаласи ХКга топширилиши ҳақида гап кетганди.

Эрон ҳукумати Россия ва Хитой МАГАТЭ резолюциясини қўллаб-қувватламасликларига умид қилмоқда.

**✓ ФАЛАСТИН МУХТОРИЯТИ**

Жаҳон банки Фаластин мухторияти бюджети назорат қилиб бўлмайдиган даражага келиб қолганлиги ҳақида огоҳлантирмоқда. Банк ҳисоботида айтилишича, мамлакат бюджетидаги дефицит 2005 йилда 800 миллион долларни ташкил этди.

Бу огоҳлантириш Фаластиннинг ҳарбийлашган ХАМАС гуруҳи парламент сайловларида ғолиб чиққач, ҳукуматни шакллантиришга киришган пайтда янгради.

ХАМАС ғалабаси кўпгина донор мамлакатларни Фаластин ҳукуматига молиявий ёрдам бериш масаласида ўйлаб кўришга ундамоқда.

АҚШ ва Европа Иттифоқи агар ХАМАС Исроил давлатини тан олмаса мухториятга ёрдам кўрсатмаслигини билдирди.



Исроил эса Фаластин мухторияти учун 55 миллион доллар ҳажмидаги божхона ва солиқ тўловларини тўхтатди. Исроилликлар бу пуллар ХАМАС томонидан жангариларни тайёрлашга ишлатилиши мумкинлигидан чўчишмоқда.

Жаҳон банки мухторият ҳудудида Фаластин ҳукумати ваъда қилган ислоҳотлар амалга ошмаётганлиги туфайли иқтисодий тикланиши юз бермаётганини билдирди. Айнан ислоҳотлар амалга оширилмаётганлиги боис банк ўтган йилнинг декабрь ойида ваъда қилинган 60 миллион долларни ўтказмади.

Фаластиннинг 800 миллион долларлик бюджет дефицитининг 340 миллиони тўғридан-тўғри молиялаштириш йўли билан халқаро донорлар томонидан қопланади.

# МАРСДА ҲАЁТ ЙЎҚ...МИ?



Маълумки, АҚШнинг аэронавтика ва фазо кенгликларини тадқиқ қилиш миллий бошқармаси — NASA томонидан учирилган ва 2004 йил январь ойида Қуёш тизимидаги мазкур сайёрага қўниб, бугунги кунда ҳам фаолиятини давом эттираётган «Spirit» ҳамда «Opportunity» «марсоход»лари сайёрада қотиб қолган сув қатламлари борлигини аниқлаган эди. Ўша маълумотларга қараганда, айрим муз қатламларининг ҳажми Қора денгиздан икки баравар катта эканлиги қайд этилган. Бундан ташқари, ишқорга бой тузли сув натижасида пайдо бўладиган қумли таркибларни-да аниқлаганди. Шунга асосланиб NASA олимлари бу таркибларда ердаги сингари бактериялар яшаётган бўлиши мумкин, деган тахминни илгари суришганди. Уларнинг фаразича, Марсда сув бўлган, лекин қачонлардир ташқи таъсирлар оқибатида йўқ бўлиб кетган, қумга ўхшаш зарралар эса ўшандан қолган қолдиқлардир.

Бироқ энди бу қарашлар америкалик олимлар томонидан инкор этилмоқда. Икки гуруҳга мансуб бу олимлар ўз тадқиқотлари натижасини яқинда «Nature» илмий ҳафтаномасида чоп этдилар.

Колорадо университети тадқиқотчилари Томас Мак-Коллам ва Брайан Хайнек ҳамда Аризона штати давлат университетининг Пол Кнаут раҳбарлигидаги олимлари «Opportunity» «марсоход»и ёрдамида олинган манбаларни (NASA олимлари тақдим этган) ўрганиб, Марсда сув бор, деган қарашларни рад қилдилар. Мак-Коллам ва Хайнек илгари сурган назарияга кўра, қумли зарралар кучли вулқонлар натижасида пайдо бўлган. Кнаут ва у етакчилигидаги олимларнинг фикрича эса бу зарралар метеоритлар «ёмғири»дан сўнг юзага келган.

Бу иккила қарашлар замиридан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, қум зарралари юзага келаётган даврда Марсда иқлим етарлича иссиқ ва қуруқ бўлган. Бу эса ҳаёт пайдо бўлиши учун минимум имконият эди.

Аммо олимлар шуни алоҳида таъкидлашдики, бу илмий тадқиқотлар ҳозирча фақат фаразлар холос. Уни юз фоиз ҳақиқат деб билиш нотўғри.

Яна бир таъкид: иккала «марсоход» ҳам «Қизил сайёра» юзасида икки йилдан бери фаолият олиб бормоқда.

# ДУНЁ ФУТБОЛИНИНГ КАТТА БАЙРАМИ

## ЁКИ ШУ ЙИЛ ЁЗДА ГЕРМАНИЯДА БЎЛИБ ЎТАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ҲАҚИДА




Спортда ғалаба билан мағлубият, омад билан омадсизлик ёнма-ён юради.

Ўтган йил февралида бошланган жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари қарийб ўн ой давом этди ва Германияга борадиган 32 жамоа номи аллақачон маълум. Немислар юртида бўлиб ўтадиган катта спорт байрамида қатнашишни жуда кўп мамлакат футболчилари орзу қилишганди. Бироқ мақсадга етишиш учун орзунинг ўзи камлик қилади. Буни аввалги чемпионат — 2002 йил Жанубий Корея ва Япония яшил майдонларида уюштирилган жаҳон кубоги баҳсида учинчи ўринни эгаллаган Туркия терма жамоасининг Германияга йўлланмадан қуруқ қолгани ҳам тасдиқлайди. Очиғини айтганда, бу гал турклардан омад юз ўгирди. Улар дастлаб сафарда Швейцария терма жамоасига 2:0 ҳисобида имкониятни бой беришди. Туркияда ўтказилган жавоб учрашувида майдон эгалари йирик ҳисобда ғалаба қозониши шарт эди. Ўйин 4:2 ҳисобида тугаган бўлса ҳам бу ҳеч нарсани ҳал қилмади. Тўплар нисбатига кўра, швейцариялик йўлланмани илиб кетишди.

Яна ортга қайтсак. 2002 йилги жаҳон чемпионатида туркиялик ишбилармонлар ўз юртдошларини ярим финалга чиқишгани учун олти миллион евро билан сийлашганди. Ўшандан буён ушбу давлат футболчиларининг омади юришмай турибди. 2004 йилда бўлиб ўтган Европа чемпионатида иштирок этиш ҳам насиб қилмади. Қитъа чемпионати саралаш мусобақасида турклар «йўл»ни латвиялик футболчиларга бўшатиб беришганди. Мана, яна омадсизлик. Улар жаҳон чемпионати ўйинларини ўз уйларида томоша қилишади.

Яна бир гап. Швейцариялик футболчиларга тан жароҳати етказган туркияликлар қаттиқ жазоланиши мумкин. 2010 йилда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпоинати саралаш баҳсларидан Туркия терма жамоасини четлатиш масаласи кўриб чиқилса ажабмас деган гаплар юрибди.

Германияга борадиганлар рўйхатида украиналик футболчиларнинг борлиги катта янгилик бўлди. Украина тарихида ҳали бундай муваффақиятга эришилмаганди. Жаҳон чемпионати ҳал қилувчи босқичига бериладиган йўлланмани қўлга киритиш осон бўлган эмас. Бунинг учун машҳур футболчи, ҳозирда Украина терма жамоаси мураббийи Олег Блохин икки йил тер тўкди, десак асло хато бўлмайди. У жамоани бир-биридан масъулиятли учрашувларга тайёрлади. Натижада Блохин шогирдлари саралаш баҳсларидан муваффақиятли ўтишди. Бу ютуқда, сўзсиз Олег Блохиннинг хизматлари беқиёс. Шунинг учун ҳам бош мураббий миллий қаҳрамонга айланди. Футболчи сифатида Олег Блохин катта муваффақиятларга эришган. У 1975 йили қитъанинг энг яхши футболчиси, деб топилган. «Динамо» (Киев) сафида ўйнаб ўзининг ажойиб голлари билан ишқибозлар меҳрини қозонган Блохин энди мураббийликда омадини синаб кўряпти. Мутахассисларнинг фикрича, «Н» гуруҳидан жой олган Украина терма жамоаси қийинчиликсиз кейинги босқичга чиқаркан. Украиналикларга «йўл»да Бразилия, Германия ёки франциялик футболчилар дуч келмаса, бемалол ярим финалга чиқишлари мумкин.

«ЖЧ-2006» ташкилий қўмитаси президенти Франц Беккенбауэр ҳам Украина терма жамоаси ҳақида илиқ фикр билдирган:

— Чемпионлик учун 32 та жамоа курашади. Ҳар қандай тасодиф бўлиши мумкин. Украиналиклар саралаш баҳсларида ажойиб ўйин кўрсатдилар. Агар бу терма жамоа жаҳон чемпионатининг ярим финалига чиқса мен ҳеч ҳам ажабланмайман.

Бу футбол билимдонининг гапи. Омад ким томонида бўлишини эса вақт кўрсатади.

Майдон эгалари — немисларнинг шашти баланд. Ўтган чемпионатда финалгача борган германиялик футболчилар жаҳон кубогини «қўшқўллаб» Бразилия терма жамоасига топширганди.

Шу кунларда немис футболчилари ҳаво минус 30 даража совуқ бўлишига қарамай тайёргарликни бир зум ҳам сусайтирганлари йўқ.

Терма жамоалар-ку масъулиятли учрашувларга ҳозирланяпти. Ташкилотчилар-чи? Улар нима иш билан банд? Қисқа қилиб айтганда, «ЖЧ-2006» ташкилий қўмита аъзоларининг бош қашишга вақти йўқ. Футбол майдонларини ҳозирлаш, меҳмонлар масалалари, хизматчи-ю ошпазларни танлаш, тиббий, савдо ва маиший хизматларни ташкил этиш, меҳмонлар кўнглини овлаш каби бир-биридан муҳим вазифалар... Немислар футбол байрамини эсда қоларли қилиб ўтказиш учун барча чораларни кўришяпти. Чемпионат хавфсизлигини таъминлаш учун контрразведкачилар уйқунинг ҳам баҳридан кечишмоқда. Чунки, 250 минг кишини текширишнинг ўзи бўлмайди. Футбол учрашувлари ўтадиган 12 шаҳардаги стадионларнинг барча ходимлари — сосиска сотувчидан тортиб фаррошгача, мураббийдан чиптачиларгача, ҳакамлару аккредитациядан ўтган журналистларгача назоратдан ўтади.



Стадион хавфсизлик ходимлари ҳам, ҳатто жамоат тартибини сақловчи полициячилар ҳам контрразведкачилар «элаги»дан ўтишади. Мабодо, хизматчилардан бирортасида шубҳа пайдо бўлса, дарҳол ишдан четлатилади.

Бу ёқда эса футбол ишқибозлари жаҳон чемпионати ўйинлари бошланишини орзиқиб кутишяпти. Ашаддий мухлислар ҳозирданоқ Германияга бориш тараддудини кўришаётир. Берлиндаги меҳмонхона номерларини брон қилиб, чипта сотиб олиш учун буюртма бераётганларнинг саноғи йўқ. Айнан 9 июндан меҳнат таътилига чиқишни режалаштириб қўйган мухлисларни-ку айтмаса ҳам бўлади.

Ишқибозларга олам-олам завқ бағишлайдиган футбол бўйича жаҳон чемпионатининг бошланишига эса тўрт ой вақт қолди...

**Равшан ШОДИЕВ**

